

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ А.Ю.Умаров

202__ йил “__” _____

“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

202__ йил “__” _____

Рўйхатга олинди: № БД-5110500-2.08

202__ йил “__” _____

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯ
(Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси, Марказий Осиё
иқтисодий ва ижтимоий географияси, Ўзбекистон иқтисодий ва
ижтимоий географияси)
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар

Таълим соҳаси: 110000 – Педагогика

Таълим йўналиши: 5110500 – География ва иқтисодий билим
асослари

Фан/модуль коди ESG3215	Ўқув йили 2020-2021	Семестр 5,6,7,8	ECTS - Кредитлар 15	
Фан/модуль тури Мажбурий	Таълим тили Ўзбек/рус		Ҳафтадаги дарс соатлари 15	
1.	Фаннинг номи	Аудитория машғулоти (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Иқтисодий ва ижтимоий география	224	226	450
2.	<p align="center">I. Фаннинг мазмуни</p> <p>Фанни ўқитишдан мақсад – талабларни кенг доирада жаҳон, республикамиз ва унга қўшни давлатларнинг ўзига хос географик ўрни, табиий бойликлари, аҳолиси ва меҳнат ресурслари, улар халқ хўжалигининг асосий хусусиятлари, ишлаб чиқариш тармоқларининг таркиби ва худудий жойлаши, ташқи иқтисодий алоқалари, иқтисодий районлари ва улар ўртасидаги географик ва экологик тафовутлар билан таништиради.</p> <p>Фаннинг вазифаси - талабаларга жаҳон, республикамиз ва унга қўшни давлатларнинг ҳақида хар тарафлама чуқур билим бериш билан бирга Ватанни севиш ва ардоқлаш, миллий кадриятларни эъзозлаш ва уларга сиздикиддан хизмат қилиш руҳини сингдиришдир.</p> <p>II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)</p> <p>II.1. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:</p> <p align="center">ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯСИ</p> <p>1-маву. Дунёнинг сиёсий картаси</p> <p>Дунёнинг ҳозирги сиёсий картаси. Дунё сиёсий картасининг шаклланиш босқичлари. Дунё сиёсий картасидаги ўзгаришлар. Дунё давлатлари ва мамлакатларнинг турлари, уларни гуруҳлаштириш. Ривожланган мамлакатлар, уларнинг жаҳон тараққиётидаги аҳамияти ва ўрни. Жаҳоннинг ривожланётган мамлакатлари, уларнинг халқаро майдондаги аҳамиятнинг ортиб бориши.</p> <p>2-маву. Жаҳон табиий ресурслари</p> <p>Кишилик жамияти билан табиат ўртасидаги муносабатларнинг тарихий хусусиятларга эга эканлиги жамият ва табиат ўзаро таъсирининг ҳозирги даврдаги мураккаблашуви. Жаҳон минерал ресурсларининг материклар ва мамлакатлар бўйича географик тақсимланишининг хусусиятлари. Ер ва сув ресурсларининг бутун дунё ва айрим регионлар бўйича географик тақсимланишининг хусусиятлари.</p> <p>Дунё океан ресурслари: минерал, энергетика ва биологик ресурслар. Дунё океани энергетика ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг халқаро муамолари. Рекреация ва иқлимий ресурслар, уларнинг айрим материклар ва мамлакатлар миқёсида тақсимланиши ҳамда улардан оқилона фойдаланиш. Атроф муҳит, инсонинг табиатга</p>			

таъсири ва унинг сабаблари ҳозирги замон экологик муамолари, уларни ҳал этиш йўллари.

3-мавзу. Дунё аҳолиси ва унинг ҳудудий жойлашуви

Дунё аҳолиси сонининг даврий ўзгариши. «Демографик портлаш» тушунчаси унинг вужудга келиш сабаблари. «Демографик танглик»ни юзага келтирувчи омиллар. Дунё аҳолисининг миллий таркиби. Ер кураси ва айрим регионлардаги этник жарёнларнинг турлари. Жаҳондаги йирик динлар, аҳолининг диний таркиби. Меҳнат ресурсларининг сони, сифати ва «учинчи дунё» мамлакатларидаги ишсизликнинг кучайиши. Ер шари аҳолисининг жойлашуви. Жаҳон урбанизацияси ва унинг хусусиятлари.

4-мавзу. Жаҳон иқтисодиёти

Жаҳон иқтисодиёти. Унинг даврий ривожланиш хусусиятлари. Халқаро географик меҳнат тақсимотининг шаклланиши, жаҳон хўжалиги тармоқларининг ривожланиш қонуниятлари ва хусусиятлари. Дунё мамлакатлари иқтисодий ривожланишнинг нотекислиги. Жаҳон иқтисодиёти ривожда халқаро иқтисодий интеграциянинг таъсири.

5-мавзу. Жаҳон саноати

Жаҳон саноатининг моддий ишлаб чиқаришдаги аҳамияти. Саноат ривожланишидаги ҳудудий фарқлар, саноатнинг ишлаб чиқариш ва ҳудудий таркибига таъсир қилувчи омиллар. Ундирувчи ва қайта ишловчи саноат тармоқлари. Фан техника тараққиётининг саноат ривожланиши ва жойланишидаги аҳамияти. Тоғ-кон, ёқилғи-энергетика, металлургия, машинасозлик, кимё, ўрмон ва ёғочсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озик-овқат саноат тармоқларининг минтақалар ва айрим давлатлар бўйича ривожланиши.

6-мавзу. Жаҳон қишлоқ хўжалиги

Аграр муносабатлар географияси, фан техника тараққиётининг қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожига таъсири. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари. Уларнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар. Жаҳоннинг йирик минтақаларидаги дехқончилик ва чорвачилик тармоқлари ривожланишининг асосий хусусиятлари.

7-мавзу. Жаҳон транспорти ва ташқи иқтисодий алоқалар

Транспортнинг моддий бойлик ишлаб чиқаришдаги роли. Унинг ташқи савдо юқларини ташиш, халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланишдаги роли. Асосий транспорт тармоқлари географияси. Уларнинг жойлашуви ва ривожланишидаги минтақавий тафовутлар. Жаҳон иқтисодий алоқаларнинг ўзаро боғлиқлиги уларнинг шакллари. Ташқи савдо-халқаро географик меҳнат иқтисодини ифодаловчи шакл сифатида. Жаҳон иқтисодиётидаги ташқи иқтисодий алоқаларнинг янги йўналишлари ва шакллари.

8-мавзу. Дунёнинг глобал муаммолари

Дунёнинг глобал муаммолари. Уларнинг юзага келиш сабаблари. Уларни гурухлаштириш. Жаҳон давлатлари сиёсий ҳаёти ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири. Тинчликни сақлаш, экологик,

минтақалар ўртасидаги иқтисодий тафовутларни бартараф этиш муаммоси, энергия билан таъминланиш, хом-ашё, озиқ-овқат, космосни тинч мақсадларда ўзлаштириш, дунё океанидан фойдаланиш каби глобал муаммоларнинг юзага келиш сабаблари. Уларни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар.

9-мавзу. Европа Иттифоқи давлатлари

Европа Иттифоқи давлатлари: географик ўрни, тарихий шаклланиш хусусиятлари. ЕИ давлатларининг Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатидаги ўрни ва роли. Мазкур интеграцион гуруҳнинг Европа қитъасида тутган ўрни. Аҳолиси хусусиятлари, меҳнат ресурслари, зичлиги, урбанизация даражаси. Саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, транспорти, ташқи алоқалари, экспорт даражасининг юқорилиги. Германия, Франция, Буюк Британия, Италия давлатларига иқтисодий географик тавсиф. Ушбу давлатлар тараққиётининг ўхшашлиги, монополиянинг ҳукмронлик ҳолати.

10-мавзу. Ғарбий Европа давлатлари

Минтақа давлатлари географияси, табиий шароити ва ресурслари, демографик вазияти. Хўжалиги. Саноат ва қишлоқ, хўжалиги тармоқлари географияси. Ғарбий Европанинг иқтисоди юқори ривожланган кичик давлатлари иқтисодий ва сиёсий географик жойланиши, иқтисодий тараққиётининг умумий тавсифи. Табиий ресурслари, аҳолиси, унинг таркиби, урбанизация даражаси. Хўжалиги. Саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, транспорти, ташқи алоқлари.

11-мавзу. Шимолий Европа давлатлари

Шимолий Европа давлатлари таркиби. Иқтисодий географик ўрни, сиёсий географик ҳолати. Табиий ресурслари, аҳолиси. Миллий таркиби. Демографик ҳолати. Урбанизация даражаси. Хўжалик тармоқлари. Саноати. Қишлоқ хўжалиги. Транспорти. Ташқи иқтисодий алоқлари. Экспорт ва импорт таркиби.

12-мавзу. Жанубий Европа давлатлари

Жанубий Европа давлатлари таркиби. Иқтисодий географик ўрни. Табиий ресурсларидан иқтисодиётда фойдаланиш. Аҳолиси, миллий таркиби. Демографик ҳолати. Урбанизация даражаси. Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши. Саноат ва қишлоқ хўжалик тармоқлари. Транспорти. Ташқи иқтисодий алоқлари.

13-мавзу. Шарқий Европа давлатлари

Шарқий Европа мамлакатлари таркиби. Иқтисодий географик ўрни хусусиятлари. Уларнинг собиқ социалистик тизимидаги давлатлар эканлиги. Мазкур давлатларнинг жаҳон тараққиётидаги аҳамияти ва ўрни, табиий ресурслари, аҳолиси, иқтисодиёт тармоқлари. Транспорти ва ташқи иқтисодий алоқлари. Россия Федерацияси. Иқтисодий географик ўрнининг хусусиятлари, сиёсий географик вазияти. Табиий ресурслари ичида минерал ресурслар билан таъминланганлиги, хилма-хиллиги ва уларнинг жойланиши. Демографик вазият. Россия саноати

тармоқлари, қишлоқ хўжалиги. Россиянинг транспорти ва ташқи иқтисодий алоқалари. Россия иқтисодий районлари. Россия иқтисодий алоқаларининг таркибий жиҳатлари. Украина, Белорусь ва Молдава давлатлари мамлакатларнинг иқтисодий географик ўрни. Табиий ресурслари аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Давлат тузуми ва сиёсий партиялари. Хўжалиги, саноати ва қишлоқ хўжалиги ривожланишнинг асосий омилари. Транспорти ва ташқи иқтисодий алоқлари.

14-мавзу. Шимолий Америка давлатлари

Шимолий Америка мамлакатлари. Шимолий Америка давлатлари иқтисодий ва сиёсий географик таърифи. АҚШ иқтисодий ва сиёсий географик ўрни, табиий шароити, табиий ресурслари, унинг хилма-хиллиги. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Давлат тузуми, мамлакатнинг маъмурий ва ҳудудий бўлиниши. Иқтисодиёти ва унинг ҳудудий ривожланишидаги тафовутлар. Саноат, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, транспорт тизимининг хусусиятлари, рекреацион ресурслар ва туризм. Ташқи иқтисодий алоқалари, турли давлатлар билан иқтисодий алоқалари. Канада ҳудудининг катталиги иқтисодий ва сиёсий географик ўрни, табиий шароити ва табиий ресурслари. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Давлат тузуми, тарихий ривожланиш хусусиятлари. Иқтисодиётига умумий тавсиф. Иқтисодий районлари.

15-мавзу. Лотин Америкаси давлатлари

Лотин Америкаси давлатлари. Иқтисодий ва сиёсий географик тавсифи. Минтақани гуруҳлаштириш. Марказий Америка мамлакатлари. Мексика давлатининг иқтисодий географик ўрни. Табиий ресурслари. Аҳолиси. Давлат тузуми. Иқтисодиётига умумий тавсиф, саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, ташқи иқтисодий алоқлари. Иқтисодий районлари. Жанубий Америка мамлакатлари. Бразилия давлати иқтисодий ва сиёсий географик ўрни. Давлат тузуми, маъмурий бўлиниши. Табиий ресурслари, аҳолиси, меҳнат ресурслари. Саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, ташқи иқтисодий алоқалари. Иқтисодий районлари.

16-мавзу. Шарқий Осиё давлатлари

Шарқий Осиё давлатларининг иқтисодий географик ўрни, табиий ресурслари, аҳолиси. Аҳолининг ҳудудий жойлашув хусусиятлари. Урбанизация ҳолати. Саноатлашган йирик шаҳарлар географияси. Иқтисодиёти. Саноат, қишлоқ хўжалик ва транспорт тармоқлари.

17-мавзу. Япония

Япониянинг жаҳон давлатлари орасида тутган ўрни. Япониянинг географик ўрин хусусиятлари. Давлат тузуми, маъмурий ҳудудий бўлиниши. Табиий шароити ва ресурслари. Минерал ва хом ашё ресурсларини камбағаллиги. Аҳолиси, аҳолининг жойланиши, урбанизация даражаси. Иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари. ИТТнинг саноат тармоқлари ривожига таъсири. Қишлоқ хўжалиги ва унинг интенсивлиги. Транспорти, ташқи иқтисодий алоқалари.

Иқтисодий районлари.

18-мавзу. Хитой Халқ Республикаси

Хитой Халқ Республикасининг жаҳон давлатлари орасида тутган ўрни. Мазкур давлатнинг географик ўрин хусусиятлари. Давлат тузуми, маъмурий ҳудудий бўлиниши. Табиий шароити ва ресурслари. Табиий ресурслари, менерал хом ашёлари, агроиклимнинг хилма-хиллиги. Аҳолиси, демографик вазияти. Давлат томонидан олиб борилаётган демографик сиёсат, урбанизация хусусиятлари, ички миграция. Иқтисодиётининг ўзига хослиги, тараққиёт даражаси. Саноати, саноат тармоқлари ичида ёқилғи энергетика саноатининг устунлиги, қишлоқ хўжалиги, донли ва техника экинлари географияси. Транспорти, ташқи иқтисодий алоқалари, иқтисодий районлари.

19-мавзу. Корея ярим ороли давлатлари

Корея Республикаси ва КХДРнинг иқтисодий географик ва сиёсий географик ўрни. Табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Давлат тузуми ва маъмурий бўлинмалари. Тарихий ривожланиши хусусиятлари. Ушбу давлатлар иқтисодиёти. Асосий саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, транспорти. Ташқи иқтисодий алоқларининг ўзига хослиги.

20-мавзу. Жануби-Шарқий Осиё давлатлари

Жануби-Шарқий Осиё давлатлари. Табиий ва иқтисодий географик ўрни хусусиятлари, сиёсий географик ҳолати. Табиий шароити ва ресурслари. Демографик ҳолати, урбанизация даражаси. Саноати, қишлоқ хўжалиги, тарнспорти, ташқи иқтисодий алоқалари, экспорт-импорт алоқалари. Минтақада жойлашган янги саноатлашган давлатларнинг иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси, демографик вазияти, урбанизация хусусиятлари. Иқтисодиётларининг ўзига хослиги, тараққиёт даражаси. Саноати, қишлоқ хўжалиги. Транспорти, ташқи иқтисодий алоқалари.

21-мавзу. Жанубий Осиё давлатлари

Жанубий Осиё давлатлари. Табиий, иқтисодий географик ўрни, сиёсий географик ҳолати, табиий ресурслари. Аҳолиси, таркиби, демографик ҳолати, урбанизация даражаси. Саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, ташқи иқтисодий алоқалари. Ҳиндистоннинг иқтисодий географик ўрни. Табиий шароити ва ресурслари, менерал хом ашёлари. Иқлимнинг хилма-хиллиги. Аҳолиси, демографик вазият. Давлат томонидан олиб борилаётган демографик сиёсат, урбанизация хусусиятлари, миграция ҳолати. Иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари, саноати ва қишлоқ хўжалиги. Транспорти, ташқи иқтисодий алоқалари. Иқтисодий районлари.

22-мавзу. Жануби-Ғарбий Осиё давлатлари

Жануби-Ғарбий Осиё давлатларининг табиий ва иқтисодий географик ўрни хусусиятлари, сиёсий географик ҳолати. Табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси таркиби, демографик ҳолати, урбанизация

даражаси. Саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, ташқи иқтисодий алоқалари. Туркия Республикасининг табиий ва иқтисодий географик ўрни. Давлат тузуми, маъмурий бўлинмалари. Табиий ресурслари. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, транспорт ташқи иқтисодий алоқалари. Кавказ давлатларининг иқтисодий географик ўрни, табиий ресурслари. Аҳолиси, меҳнат ресурслари, давлат тузуми. Кавказ давлатларидаги сиёсий вазият. Иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари. Саноат ва қишлоқ хўжалиги. Транспорти ва ташқи иқтисодий алоқалари. Форс кўрфази давлатлари таркиби. Иқтисодий географик ўрни, табиий ресурслари билан таъминланганлик ҳолати. Аҳолиси. Давлат тузуми, саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, ташқи алоқалари. Мусулмон дунёсида тутган ўрни.

23-мавзу. Австралия ва Океания давлатлари

Австралия Иттифоқининг табиий ва иқтисодий географик ўрни. Қашф қилиниш ва ривожланиш тарихи. Табиий шароити ва ресурслари, аҳолиси, урбанизация даражаси. Саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти ташқи иқтисодий алоқалари. Иқтисодий районлари. Океания давлатларининг табиий ва иқтисодий географик ўрни. Таркибий тузилиши. Табиий шароити ва ресурслари, аҳолиси, урбанизация даражаси. Океания давлатлари иқтисодиётининг ўзига хос жиҳатлари. Саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти ташқи иқтисодий алоқалари.

24-мавзу. Африка давлатлари

Африка давлатлари табиий ва иқтисодий географик ўрни, таркиби. Тарихий ривожланиш босқичлари. Табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси ва унинг ҳудудий жойлашуви. Иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари. Саноати, қишлоқ хўжалиги ва транспорти. Субрегионлари. Миср ва ЖАРнинг табиий ва иқтисодий географик ўрни. Давлат тузуми, маъмурий бўлинмалари. Табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, транспорт ташқи иқтисодий алоқалари.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯСИ

1-мавзу. Марказий Осиё иқтисодий ва ижтимоий географиясининг назарий асослари

Марказий Осиё ҳудудининг табиий ва иқтисодий географик ҳамда тарихий ва ижтимоий ривожланишдаги умумийлик ва яхлитлик ҳамда ўхшашликлари. Марказий Осиё халқларининг тарихий – ижтимоий бирлиги яъни минтақада яшовчи туркий ва форсий халқлар ананавий дўстона алоқаларни минтақада «Буюк Ипак Йўли»нинг қайта тикланиши. Мустақиллик йилларида барпо этилган телекоммуникация шаҳобчаларининг ривожланиши. Марказий Осиё минтақасида ҳамкорликда ривожлантириш мақсадида ягона иқтисодий макон (зона) ни ташкил этиш. Самарали иқтисодий интегратсияни йўлга қўйиб, импорт –

экспорт, инвестиция масалаларида имтиёзларни йўлга қўйиш. Марказий Осиё минтақасининг Осиё қитъасининг ички қисмида, жойлашганлиги, йирик мамлакатлар билан чегарадошлигининг иқтисодий муносабатлар ўрнатишга қулайлиги. Марказий Осиё мамлакатларининг катта қисмида рангли ва қимматбаҳо минерал ресурсларнинг кўплиги. Минтақанинг асосий қисмининг мўтадил иқлим минтақасида жойлашганлиги, унинг умумий аҳоли жойланиши ва хўжалик фаолияти учун қулайлиги. Табиий шароити ва ресурсларнинг хўжаликдаги аҳамияти. Минтақанинг катта қисмида куюш радиациясининг юқорилиги, ёғин миқдорининг камлиги, вегетация даврининг узоқлиги ва унинг техник экинлар – пахта етиштириш учун қулайлиги. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида глобал – экологик муаммоларнинг ишлаб чиқилиши. Табиат ва ижтимоий ёдгорликлари ва уларни муҳофаза қилиш.

2-мавзу. Марказий Осиё аҳолиси ва меҳнат ресурслари.

Марказий Осиё аҳолисининг умумий сони. Унинг тадрижий ўсиши (динамикаси), аҳоли миқдорий ўсишнинг асосий омиллари. Унда аҳолининг табиий ва механик (миграция) ҳаракатларининг ўрни. Аҳоли табиий ўсиш кўрсаткичлари, уларнинг минтақа давлатлари ўртасидаги фарқлари. Аҳолининг таркиби (жинсий, ёш, миллий кабилар) кўрсаткичларининг минтақа давлатлараро тафовутлари. Аҳолининг ҳудудий жойлашиши. Минтақа давлатларида аҳоли ҳудудий жойлашиш кўрсаткичлари. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси. Урбанизация жараёни. Улар кўрсаткичининг Марказий Осиё давлатларида акс этиши. Марказий Осиё давлатлари меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифат кўрсаткичлари. Меҳнат ресурсларининг ҳудудий жойлашиши, улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.

3-мавзу. Марказий Осиё иқтисодиёти

Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётининг умумий хусусиятлари. Марказий Осиё давлатларининг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича МДҲ ва жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни. Энг муҳим маҳсулот турлари бўйича Марказий Осиё минтақаси кўрсаткичлари. Минтақа иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиш давридаги муаммолари ва вазифалари.

4-мавзу. Марказий Осиё саноати

Минтақа ва давлатлар иқтисодиётида саноатнинг тутган ўрни. Марказий Осиё давлатлари саноатининг умумий хусусиятлари, таркиби, уларнинг давлатлараро тафовутлари. Ундирувчи (тоғ - кон) саноати билан боғлиқ ёқилғи – энергетика, металлургия, кимё, қурилиш материаллари тармоқлари. Истеъмол учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи машинасозлик, енгил ва озиқ - овқат саноати тармоқлари. Уларнинг Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётида тутган ўрни, географияси. Эркин иқтисодиётга ўтиш даврида республикалар саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

5-мавзу. Марказий Осиё қишлоқ хўжалиги

Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётининг дақиқ ҳаётида қишлоқ хўжалигини тутган ўрни. Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг табиий ва иқтисодий географик омиллари билан боғлиқлиги. Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни, ривожланиш босқичлари, аҳамияти. Унинг таркибий хусусиятлари, улардаги республикалараро тафовутлар. Асосий деҳқончилик тармоқлари. Уларнинг ривожланишида ирригация – мелиорация роли. Тоғ, тоғ олди, водий ва минтақаларида муҳим деҳқончилик тармоқларининг жойлашиш хусусиятлари. Асосий чорвачилик тармоқлари. Географик минтақаларда уларнинг ривожланиши хусусиятлари. Қишлоқ хўжалиги ва атроф муҳит.

6-мавзу. Марказий Осиё транспорти

Транспортнинг тарихий даврлар давомида давлатлар иқтисодиётида тутган ўрни унинг моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан бири эканлиги. Унинг асосий ривожланиш босқичлари: XIX аср охиригача давом этган отулов транспортларидан тортиб то ҳозирги техникага асосланган замонавий транспорт воситалари ривожлантирилган даврлар. Уларнинг Марказий Осиё республикалари миллий мустақиллиги даврида ривожланишига алоҳида эътибор берилганлиги. Транспорт тармоқларининг таркибий хусусиятлари қуруқликда ҳаракатланувчи темир йўл ва автомобил транспортларининг минтақа республикалари юк оборотидаги алоҳида аҳамияти. Сув (денгиз ва дарё) транспорт тармоқларининг суғуривожланганлиги. Қувур ва ҳаво транспортлари ролини тобора ортиб бораётганлиги. Мустақиллик шароитида жаҳон бозорлари билан боғловчи янги транспорт йўллари барпо қилиниши.

7-мавзу. Марказий Осиё ташқи иқтисодий алоқалари

Давлатлар иқтисодиёти ривожланишида ташқи иқтисодий алоқаларнинг аҳамияти. Марказий Осиё давлатлари ташқи иқтисодий алоқаларнинг ўзига хос хусусиятлари. Улар иқтисодиётлари ҳар тамонлама ривожланишининг ташқи иқтисодий алоқалари қўламини ва йўналишларига таъсири. Минтақа давлатлари экспорт ва импорт алоқаларидаги ўзига хос фарқлар. Марказий Осиёда иқтисодий интеграция ва ягона иқтисодий макон ташкил қилишда иқтисодий алоқаларнинг роли. Транспорт тармоқларини ривожлантиришдаги ҳозирги ижобий силжишларнинг ташқи иқтисодий алоқаларга таъсири.

8-мавзу. Қозоғистон Республикаси

Республиканинг ташкил топиши, чегаралари, географик ўрни хусусиятлари. Табиий шароити. Ер усти тузилиши, иқлими, ички сувлари, тупроқ ва ўсимлик дунёсининг ўзига хос тамонлари. Табиий бойликлари, минерал табиий бойликларга бой эканлиги ва ўрмон, сув ресурсларнинг танқислиги. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари уларнинг тадрижий, таркибий, ҳудудий жойлашиш хусусиятлари. Иқтисодиёти, унинг хом-ашё ва ярим хом-ашё маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилганлиги. Саноати ва унинг таркибий хусусиятлари. Тоғ кон, ёқилғи энергетика, металлургия мавқеининг республика иқтисодиётидаги аҳамияти. Машинасозлик, кимё,

халқ истеъмол моллари (енгил, озиқ-овқат) саноатларининг нисбатан етарли ривожланмаганлиги. Қишлоқ хўжалиги, унинг асосий тармоқлари. Чорвачилиги салмоғининг устунлиги, уларнинг географияси. Дехқончилик тармоқлари, унда дончилик тармоқларининг яққол устунлиги. Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалари. Иқтисодий районлари.

9-мавзу. Қирғиз Республикаси

Республиканинг ташкил топиши, катталиги, чегаралари, географик ўрни, хусусиятлари. Рельефи, дарё ва кўллар, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг хусусиятлари. Табиий бойликлари. Гидро-энергетика, маъдан ва номаъдан табиий бойликлари, ўсимлик ва рекреатсия ресурсларига бой эканлиги. Ёқилғи минерал бойликлари билан нисбатан кам таъмирланганлиги. Табиий бойликларни ўзлаштиришнинг релефи туфайли мураккаблиги. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари, уларнинг демографик ва географик хусусиятлари. Иқтисодиёти. Асосий саноат тармоқларидан гидроэнергетика, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатлари салмоғининг республика иқтисодиётида катталиги ва аксинча ёқилғи, металлургия, кимё каби саноатларининг жуда сустривожланганлиги. Қишлоқ хўжалигида дехқончилик ва чорвачиликнинг асосий тармоқлари, уларнинг географияси. Транспорти ва ташқи иқтисодий алоқаларини ташкил қилишда географик ўрни ва рельефининг таъсири. Иқтисодий районлари.

10-мавзу. Тожикистон Республикаси

Республиканинг ташкил топиши, катталиги, географик ўрни, хусусиятлари. Ер юзасининг тоғлилик, характери, иқлими, ички сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзига хослиги. Табиий ресурслари. Марказий Осиёда гедроэнергетика ресурсларига энг бой эканлиги. Ёқилғи минерал бойликлари билан етарли таъминланмаганлиги. Маъдан ва номаъдан минерал ресурсларнинг хилма-хиллиги, аммо уларни ўзлаштиришнинг қийинлиги. Аҳоли ва меҳнат ресурслари, улар билан таъминланиш хусусиятлари. Иқтисодиёти, асосий саноат тармоқларидан гидроэнергетика, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатлари салмоғининг республика иқтисодиётида катталиги ва аксинча ёқилғи, металлургия, кимё каби саноатларининг жуда сустривожланганлиги. Саноати, унда гидроэнергетика, металлургия, енгил ва озиқ-овқат тармоқлари мавқеининг нисбатан устунлиги. Бошқа тармоқларнинг етарли ривожланмаганлиги. Қишлоқ хўжалигида дехқончилик ва чорвачилик тармоқлари ва уларнинг иқтисодий кўрсаткичларида табиий шароитининг роли. Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалари ривожланишига республиканинг мураккаб географик ўрни ва рельефнинг таъсири. Иқтисодий раёнлари.

11-мавзу. Туркменистон Республикаси

Республиканинг ташкил топиши, катталиги, чегаралари, географик ўрни, хусусиятлари. Табиий шароити, ер юзасининг асосан текисликлардан иборат эканлиги, иқлимнинг қирғоқчиллиги туфайли

табiiй сув манбаларига камбағаллиги, ўзига хос ўсимлик ва ҳайванот дунёси. Табiiй бойликларидан нефт ва табiiй газ, туз ва олтингугурт каби минерал ресурсларга анча бой ҳамда маъдан (металл рудали) ва сув ресурсларига ниҳоятда камбағал эканлиги. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари шаклланиши ва географиясининг ўзига хос хусусиятлари. Иқтисодиётининг бир томонлама ривожланиши хусусиятлари. Саноатида ёқилғи-энергетика ва кимё тармоқлари алоҳида устунлиги. Машинасозлик, металлургия каби саноатларнинг ўта паст даражадалиги. Қишлоқ хўжалигида суғорма деҳқончилик, унда эса пахтачиликнинг яққол устунлиги. Чорвачилигида қурғоқчил чўл шароитига мослашган қўйчилик, туячилик каби тармоқлар мавқеининг юқорилиги. Қишлоқ хўжалиги ривожланишида ирригациянинг алоҳида аҳамияти. Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалари. Иқтисодий районлари.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯСИ

1-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши, катталиги, чегаралари, иқтисодий географик ўрни

Ўзбекистоннинг ҳудудий ва нуфузий кўрсаткичлари. Республика жойлашган иқтисодий географик ўрнининг хусусиятлари. Сиёсий-маъмурий бўлиниши. Ўзбекистон республикасининг ташкил топиш босқичлари. Чор Россияси томонидан босиб олишнинг ўлка хўжалигига таъсири. Октябр инқилобидан кейин миллий-худудий чегараланишнинг ташкил топиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари. Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ҳамдўстлиги ривожда у жойлашган сиёсий, иқтисодий ва транспорт географик ўрнининг тобора яхшиланиб бориши.

2-мавзу. Ўзбекистон табiiй шароити ва табiiй ресурслари

Ўзбекистон табiiй шароити ва табiiй ресурсларининг хўжалик аҳамияти. Табiiй ресурсларидан фойдаланишнинг тарихий ривожланиш босқичлари. Табiiй ресурсларнинг республика ишлаб чиқариш кучларининг жойланиши ва ривожланишидаги аҳамияти. Ўзбекистоннинг табiiй ресурслар билан таъминланиш даражаси. Табiiй ресурслар билан таъминланишнинг ҳудудий тафовутлари.

3-мавзу. Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари

Аҳоли жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи эканлиги. Ўзбекистон аҳолисининг динамикаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Аҳоли ўсишининг асосий омиллари. Аҳолининг табiiй ва механик (миграцион) ҳаракати. Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби, уларнинг Ўзбекистон аҳолиси табiiй кўпайишида акс этиши. Аҳолининг миллий таркиби, унинг йиллар давомида ўзгариши. Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар. Аҳолининг ижтимоий таркиби ва билим - малака кўрсаткичлари. Миграция жараёнининг объектив иқтисодий-ижтимоий омиллари. Ўзбекистонда аҳоли миграцияси, уларнинг босқичлари ва хусусиятлари. Меҳнат ресурслари ва уларнинг миллий

иқтисодиёт тармоқларида тақсимланиши. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос ҳудудий ишлаб чиқариш хусусиятлари. Республика мустақиллиги шароитида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммолари. Аҳолининг ҳудудий жойлашиши ва ундаги асосий силжишлар. Аҳоли ҳудудий жойлашишидаги географик тафовутлар. Аҳолининг шаҳар ва қишлоқ ўртасида тақсимланиши, уларнинг нисбати ва ўзгариб бориши босқичлари. Урбанизация жарайони ва унинг Ўзбекистонда ривожланиш хусусиятлари. Урбанизациянинг ҳудудий кўрсаткичлари.

4-мавзу. Ўзбекистон иқтисодиётига умумий таърифи

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни. Республика миллий иқтисодиётининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Инқилобдан олдинги Ўзбекистон хўжалиги. Ундаги асосий ҳудудий ва таркибий кўрсаткичлар. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт тармоқлари ривожланишининг асосий босқичлари ва хусусиятлари. Собик иттифоқ даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг асосан хом ашё ва ярим хом ашё маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги Уларнинг сабаб ва оқибатлари. Мустақиллик йилларида республика иқтисодиётида юз берган ўзгаришлар. Ўзбекистон иқтисодиётининг Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги иқтисодиётида тутган ўрни. Ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланишининг эркин иқтисодий муносабатларга ўтиш даври муаммолари. Илғор хориж технологиясидан фойдаланиш истиқболлари. Ўзбекистон иқтисодиётини ҳудудий ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Уни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислохатлар.

5-мавзу. Ўзбекистон саноати

Ўзбекистон саноат тармоқлари, уларни ривожлантириш ва ҳудудий жойлаштириш шароитлари ва омиллари. Республика саноатининг ривожланиш кўрсаткичлари, уларнинг таркибий ва ҳудудий жойланиш хусусиятлари.

6-мавзу. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоқлари

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, унинг республика иқтисодиётидаги ўрни, ривожланиш омиллари ва босқичлари. Тармоқ таркиби. Ривожланиш даражаси ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари. Мажмуанинг янги иқтисодий муносабатларга ўтиш давридаги ривожланиши хусусиятлари. Асосий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш минтақалари.

7-мавзу. Ўзбекистон транспорти

Транспортнинг мустақил Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишидаги аҳамияти, унинг ривожланиш даражаси ва таркиби. Мустақиллик шароитида транспорт тармоқларининг ривожланиши муаммолари ва истиқболлари. Темир йўл транспорти, унинг ривожланиши босқичлари ва географияси. Янги темир йўл қурилишлари Ўзбекистоннинг ягона темир йўллари тузимини яратишнинг сиёсий ва иқтисодий аҳамияти. Автомобиль транспортининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни, ривожланиш

босқичлари. Мамлакатлараро ва ички районлараро юк ташишда тармоқ ролининг ортиб бориши, унинг географияси. Хаво транспорти унинг хусусиятлари. Мустақиллик шароитида республиканинг ташқи ва ички алоқаларини ривожлантиришда унинг роли ва географияси. Сув, қувур ва электрон транспортлари, уларнинг ривожланиш имкониятлари, истиқболлари ва географияси.

8-мавзу. Ўзбекистон номоддий ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) тармоқлари

Номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланишининг объектив асослари, ўсиши суръатлари ва ҳозирги ҳолати. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожидида тутган ўрни. Уларнинг таркиби, ривожланиши муаммолари ва истиқболлари. Номоддий ишлаб чиқариш тармоқларининг шаклланиши ва ривожланиш шарт-шароитлари. Уй-жой ва коммунал хўжалиги тармоғининг жамият иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг ташкил этишдаги роли унинг ривожланиши даражаси. Мустақиллик шароитида тармоқнинг ривожланиш истиқболлари. Савдо ва умумий оқатланиш тармоғининг аҳамияти, ривожланиш ҳолати, муаммолари, мулкчилик шакллари хилма-хиллиги даврида ривожланиш имкониятлари, уларнинг истиқболлари. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг республикада ва ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришдаги аҳамияти. Тармоқни ҳудудий ташкил этишнинг шарт-шароитлари, унинг ички таркиби, ривожланиши даражаси ва муаммолари. Аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш тармоғининг аҳолининг маънавий шаклланиши ва камол топишидаги аҳамияти, унинг асосий ички тармоқлари, ривожланиш даражаси, муаммолари ва истиқболлари.

9-мавзу. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари

Турли давлатлар иқтисодий-ижтимоий тараққиётида ташқи иқтисодий алоқаларнинг объектив зарурлиги, уларнинг моҳияти, мазмуни, таркиби ҳақида тушунчалар. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар, хусусан ташқи савдо алоқалари ривожланишининг асосий тарихий босқичлари. Мустақиллик йилларида уларнинг янги мазмун ва кенг кўламда ривожланаётганлиги. Бунда турли йўналишлар бўйича жаҳон бозорлари билан боғлайдиган янги транспорт йўллари ташкил этилишининг аҳамияти. Ўзбекистон ташқи савдосининг географиясининг тобора кенгайиб бораётганлиги. Унда экспорт ва импортнинг ўзига хос нисбати ва ундаги ижобий силжишлар. Ташқи савдо баланси (ижобий ёки салбий) ҳақида тушунча. Ташқи савдо кўрсаткичларидаги тадрижий ижобий ўзгаришлар. Ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишидаги асосий муаммолар ва истиқболлар.

10-мавзу. Ўзбекистон республикасининг иқтисодий районлари

Республикада иқтисодий районлаштиришнинг назарий асослари ва амалий аҳамияти. Иқтисодий районлаштиришнинг хусусиятлари ва омиллари, ундаги асосий иқтисодий районлар. Районларнинг катталиги, республика иқтисодиётида тутган ўрни.

11-мавзу. Тошкент иқтисодий райони

Тошкент иқтисодий райони хусусиятлари. Табиий шароити ва ресурслари. Уларнинг иқтисодий аҳамияти. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Уларнинг ҳудудий жойлашуви. Иқтисодиёти. Ривожланиш босқичлари ва омиллари. Саноатининг ривожланиш ҳолати ва таркиби. Ёқилғи-энергетика, металлургия, машинасозлик, кимё, қурилиш материаллари мажмуалари, енгил, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларнинг ташкил этилиши хусусиятлари, географияси, ривожланиш кўлами ва истиқболлари. Мустақиллик йилларида иқтисодий район саноатининг ривожланиши. Қишлоқ хўжалиги. Унинг иқтисодий район иқтисодиётида тутган ўрни, ривожланиши даражаси ва имкониятлари. Ер ресурслари, улардан фойдаланиш ҳолати ва хусусиятлари. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари, истиқболлари ва географияси. Транспортининг асосий тармоқлари ва географияси. Районнинг асосий саноат ва маънавий марказлари, уларнинг ҳудудий жойланиши хусусиятлари. Шаҳарлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида Тошкент шаҳри ва унинг ўрни.

12-мавзу. Мирзачўл иқтисодий райони

Районнинг ҳудудий - маъмурий таркиби, катталиги, республика иқтисодиётида тутган ўрни, ишлаб чиқариш ихтисосининг ўзига хос томонлари. Район географик ўрнининг хусусиятлари, табиий шароити ва табиий ресурслари. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Иқтисодиёти, унинг шаклланиши ва ихтисосланиш хусусиятлари. Хўжалигини ташкил этишда Мирзачўл даштини ўзлаштиришнинг аҳамияти ва кўлами. Саноатининг ривожланиши хусусиятлари, таркиби. Қишлоқ хўжалигини ташкил этишнинг муҳим босқичлари, хусусиятлари ва имкониятлари. Унинг асосий ишлаб чиқариш тармоқлари, уларнинг ҳудудий жойлаштирилиши ва ихтисослашиши. Асосий транспорт тармоқлари. Сирдарё ва Жиззах вилоятларини иқтисодиёти тармоқларининг ўзаро ўхшашликларда ва тафовутлари. Асосий саноат марказлари.

13-мавзу. Фарғона иқтисодий райони

Иқтисодий районнинг маъмурий-ҳудудий таркиби, катталиги, географик ўрнининг асосий жихатлари. Унинг республика иқтисодиётида тутган ўрни, ишлаб чиқариш ихтисосининг хусусиятлари. Табиий шароит ва табиий ресурслари. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари, райондаги аҳоли бандлиги муаммолари. Иқтисодиёти, унинг тарихий ривожланиш босқичлари, даражаси, таркиби. Асосий саноат тармоқлари географияси. Ёқилғи-энергетика, машинасозлик, кимё, қурилиш материаллар саноат мажмуалари. Енгил ва озиқ-овқати, аҳоли истеъмол моллари ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиш имкониятлари. Замонавий саноат корхоналари, хусусан кўшма корхоналар географияси. Қишлоқ хўжалиги ривожланишнинг муҳим хусусиятлари. Ер-сув ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари. Унинг асосий тармоқлари, муаммолари ва истиқболлари. Водийда қадимий халқ хунармандчилиги ва туризмни ривожлантиришнинг кенг имкониятлари. Транспорти, унинг ривожланиши хусусиятлари,

муаммолари ва бартараф этиши имкониятлари. Асосий транспорт тармоқлари ва йирик йўллар қурилишлари географияси. Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг асосий иқтисодий ва ижтимоий географик тафавутлари. Асосий индустриал марказлари ва шаҳарлари.

14-мавзу. Зарафшон иқтисодий райони

Районнинг маъмурий тuzилиши, катталиги, чегаралари, иқтисодий географик ўрнининг қулайлиги, хўжалигининг республика иқтисодиётида тутган ўрни. Табиий шароит ва табиий ресурслари. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Иқтисодиёти, унинг тарихий ривож топганлиги хусусиятлари. Саноатининг асосий тармоқлари: машинасозлик, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноатлари. Маҳаллий саноат (хунармандчилик) тармоқларининг яхши ривожланганлиги. Мустақиллик йилларида ташкил қилинган янги замонавий корхоналар географияси, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос жиҳатлари ва тармоқлари таркиби. Унинг дон, мева ва узум, тамаки, картошка ва бошқа хилдаги маҳсулотлар етиштиришда республикадаги етакчилик ўрни, чўл минтақасида яйлов чорвачилиги (Қорақўлчилик, туячилик). Самарқанднинг Ўзбекистоннинг энг йирик туризм маркази эканлиги, халқ туризмини ривожлантириш имкониятлари ва истиқболининг катталиги. Транспорти ва унинг таркиби. Темир йўл ва автомобил транспортларининг етакчи хўжалик роли. Асосий саноат марказлари ва шаҳарлари.

15-мавзу. Жанубий иқтисодий райони

